

## АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ТАРГИБ ҚИЛИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

С.Абдусаламова

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Унверситети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6985504>

**Аннотация.** Уишиб мақолада аёлларни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, тиббий ва таълим соҳаларида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳатлар ҳамда давлат, нодавлат ташкилотларида иштирок этишининг қонуний асослари ёритилиган.

**Калим сўзлар:** омбудсман, хотин-қизлар, ҳуқуқий маданият, Минг йиллик декларацияси, ижтимоий шериклик, аёллар ҳуқуқлари.

## ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ В ЗАЩИТЕ ИНТЕРЕСОВ ЖЕНЩИН

**Аннотация.** В данной статье описаны реформы, проводимые государством в социальной, политической, экономической, культурной, медицинской и образовательной сферах женщин, а также правовые основы участия в государственных и неправительственных организациях.

**Ключевые слова:** омбудсмен, женщины, правовая культура, Декларация тысячелетия, социальное партнерство, права женщин.

## PRACTICAL FOUNDATIONS OF PROMOTION OF LEGAL CULTURE IN PROTECTION OF WOMEN'S INTERESTS

**Abstract.** This article describes the reforms being carried out by the state in the social, political, economic, cultural, medical and educational spheres of women, as well as the legal basis for participation in state and non-governmental organizations.

**Keywords:** ombudsman, women, legal culture, Millennium Declaration, social partnership, women's rights.

### КИРИШ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёни кетаётган ҳозирги кунда бошлаб, сиёсатнинг бош йўналиши инсон, унинг манфаатини ҳимоя қилишга бағишиланди, шу мақсадда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласига жиддий эътибор берилди. Бу ўринда юқорида тилга олинган ҳуқуқий хужжатларни қабул қилиш билан бир қаторда, уларни амалиётга татбиқ этишини таъминлаш мақсадида мамлакатда турли ҳуқуқий институтлар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги маълумот тўплаш ва ҳуқуқи камситилган инсонларга ёрдам бериш учун Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили – Омбудсман, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази шулар жумласидандир. Ушбу хужжатлар ва ҳуқуқий институтларда аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий билимлари ҳамда уларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизими яратилган.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Хусусан давлатимиз раҳбари томонидан чиқарилаётган фармонлар, фармойишлар ҳамда қонун хужжатлари замирида Ўзбекистон Республикасида ахолини барча қатламларига эътибор қаратилинаётганлиги ҳамда бевосита қўллаб-кувватланаётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан аёлларнинг ижтимоий ҳимоясига доир Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қуидаги сўзларидан билишимиз мумкин; “Барчамиз учун азиз ва мўтабар бўлган аёл зоти ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор, бизни дунёга келтирган, оқ сут бериб вояга етказган Она сиймоси олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Ер юзида муқаддас деган сўзга энг муносиб зот бу - аввало, Онадир. Халқимиз она сиймосини доимо улуғлаб, ардоқлаб яшайди. Юртимизда оналарни шарафлаб муҳташам ҳайкаллар бунёд этилгани ҳам шундан далолат беради[1].

Ўзбекистон Республикаси инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бормоқда. Ушбу олижаноб, аммо, мураккаб вазифани амалга ошириш Республикаизда яшовчи ҳар бир кишидан ижтимоий фаол бўлишни, эркин ва фаровон ҳаёт, озод ва обод Ватан барпо этиш учун фидойилик кўрсатиб яшаш ва меҳнат қилишни талаб этади. Миллий демократик тараққиёт кун тартибига қўяётган мазкур талаб хотин-қизларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Бугун маърифий дунёда – хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежизга эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслигини барчамиз аниқ тушиниб етамиз, ҳар қандай мамлакат ўз ривожланиш стратегияси яни узоқ муддатли давлат дастурлари орқали иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизимларни бирга олиб боради.

“Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Конунчилик налатаси депутати борлигини, шунингдек, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини айнан аёлларимиз ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 % – шунга эътибор беринг, 72 % - айнан хотин-қизлардир. Маҳалла раислари ва фаолларининг аксарият қисмини аёллар ташкил этади. 8,5 мингдан ортиқ она-сингилларимиз маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида фаол иш олиб бормоқдалар”[1].

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон “Минг йиллик декларацияси”ни имзолаган давлат сифатида Декларациянинг мақсадларини давлатни ривожлантириш дастурларига киритиш ва Мингийиллик тараққиёт мақсадларини 2015 йилга қадар амалга ошириш графигига риоя қилиш бўйича ўз зиммасига масъулият олди. Ўзбекистон Минг йиллик тараққиёт мақсадларини амалга оширишда биринчи навбатда, қашшоқликни камайтириш, одамларнинг ҳаётини яхшилаш, жамиятнинг барқарор ривожланишида аёлларнинг ролини ошириш, эркаклар ва аёллар tengligini таъминлашга қаратилган чораларни изчил амалга оширмоқда. Мамлакатда таълим, гендер tenglik, соғлиқни сақлаш ва бошқа масалаларга нисбатан жiddий натижаларга эришилган, бу эса аёллар фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлик билан бевосита боғлиқ. Бу барча чоралар, биринчи навбатда, Конвенция, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар Платформаси, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси 23 маҳсус сессиясининг “Аёллар 2000 йилда: эркаклар ва аёллар ўртасида tenglik, XXI асрда

ривожланиши ва тинчлик” якуний хужжатининг қоидаларини сўзсиз бажаришга қаратилган. 1995 йилда БМТнинг Аёллар ахволи бўйича IV Умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Пекин харакатлар платформаси алоҳида муҳим хисобланади. Унинг муқаддимаси ва 12 бўлими аёллар ахволини глобал даражада баҳолаш ва бутун дунёда аёллар хукуқларини амалга ошириш бўйича стратегиялар, сиёсат ва чоралар тадқиқот этилган аёллар хукуқлари бўйича энг тўлиқ дастур хисобланади. “Аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз”[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони орқали аёллар муаммоларини ўрганишда ижтимоий шерикчилик механизmlарини қўллашга замин яратилди. Хотин-қизларга оид муаммолар бир томондан, ижтимоий ҳаётдаги имкониятлар, манфаат ва эҳтиёжлар, улар ўртасидаги зиддиятлар замирида вужудга келса, иккинчи томондан эса, уларни ижтимоий фаоллигини ошириш жараёнини амалий ҳаётга татбиқ этиш имконияти пайдо бўлади. Ана шу имкониятни ўрганиш, уни реаллаштириш назарий фундаментал илмий тадқиқотларни тақозо этади[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2019 йилда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони имзолади. Фармон кўра, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари этиб хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш; хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий ахволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-хукуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш; хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш; хотин-қизлар ўртасида хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, хукуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан якка тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширища давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш белгиланди.

## МУҲОКАМА

Тарихдан маълумки, давлат ва у таъминлайдиган хукуқ ижтимоий қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, жамиятни тартибга солувчи ва тинчлик-осойишталик олиб келувчи омил сифатида намоён бўлган. Фуқаролик жамияти назарияси инсоният томонидан яратилган сиёсий қарашлар тарихи – жамият ва инсон, сиёсат ва

давлат тўғрисидаги назарий қарапшлар, шунингдек, илк жамоалардан ҳозирги давргача бўлган жамиятлар ривожланишининг тажрибаси асосида такомиллашиб борди. Шу билан бирга, бу жамият инсоният яратган цивилизацияларнинг энг сўнгти ҳосиласи ўлароқ шаклланганлигига ишонч ҳосил қиласиз[3]. Ҳозирги замонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда мураккаб жараёнлардан бири ижтимоий ён бериш ва кишилар ўртасидаги келишувларни таъминлашдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ижтимоий шерикчиликка йўналтирилган ижтимоий шериклик омили орқали жамиятда “йўналтирувчи” ва “амалга оширувчи” кучларни кўпайтириш мухим ижтимоий-сиёсий жараён ҳисобланади. Хусусан, фуқаролик жамиятида ижтимоийadolатга асосланган тартибни яратиш ва таъминлаш муаммоси бугунги кунда бир қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, улар ижтимоий шерикчилик ва унинг таркибий қисми ҳисобланган ижтимоий шерикликни шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллади. “Фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизни очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда унинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мухим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидағи аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор”[3].

Республикада хотин-қизларнинг ахволини яхшилаш, уларнинг эркинлиги, ҳуқуки, манфаатлари ва соғлигини муҳофаза қилиш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан жой олган. “Зоро, умуммиллий сиёсатнинг маъноси – хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан қўллабқувватлашга қаратилган давлат сиёсатини умумжамият ишига айлантириш демакдир”[4].

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, аёллар манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилишнинг амалий асосларини, ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини оширишда, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## REFERENCES

1. Ш. Мирзиёев; “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” -Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 5926.
2. Мирзакаримова М. Бандлиқда ижтимоий шериклик (назария ва амалиёт масалалари). – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2013. –202-б.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Иномова С.Т. Эъзозли аёл иқболи. Т.: Ўқитувчи. - 2005. 8 б.